



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2024
2/1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 2/1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:
и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**
и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:
и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:
и.ф.д. Ф.А.Сафаров
катта ўқит. Ш.З.Ўразов

Техник муҳаррир:
и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

Корректор:
PhD С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:
ассис. Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.

Тахририят манзили:
140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти в.б., DSc

Анвар Нематович Холиқулов "ZILOL BAXT" меҳмонхонаси самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари	78
Ibragim Xudayarovich Nimatov Zamonaviy turizmda motivlashtirishga ta'sir etuvchi omillar tahlili	82
Sarvinoz Ashurova The importance of Guest houses in the tourism industry of Uzbekistan	87
Собир Худойбердиевич Махмудов Тарихий-маданий туризм салоҳияти ва уни баҳолаш	92
Шахноза Шомуротовна Тошпулатова Навоий вилоятининг тарихий - архитектура ёдгорликларидан туризм соҳасида фойдаланиш йўллари	97
Gulmira Rabbonovna Tursunova, Diyora Istamovna Ochilova O'zbekistonda gastronomik turizmni rivojlantirishning italiya tajribasi	100
Mahliyo Yaxshiboy qizi Umarova O'zbekistonning mavjud turizm salohiyatidan kengroq foydalanish yo'llari hamda xususiyatlari	104
Юлдуз Пирназаровна Урунбаева Музей туризмни ривожлантириш – аҳоли фаровонлигини оширишнинг асосий омили	107
Фарух Тохирович Шукуров Туризм соҳасидаги тадқиқотларнинг эпистемологияси ва билимларнинг манбалари	111
Akmal Odilovich Odilov Turizm sohasida marketing tadqiqotlarining	115
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Абдухолик Эгамович Тангиров Инновацион иқтисодиёт шароитида корхоналарни бошқариш ва уни такомиллаштириш	118
Хасан Абдусаидович Рахимов Туризм ва меҳмонхона соҳасида кадрлар менежментининг мазмуни, турлари ва улардан самарадорликни оширишда фойдаланиш йўллари	121
Гўзалхон Акром қизи Абдурашидова Маркетинг тизимида нархларни шакллантириш механизмларининг эволюцияси	127
Лариса Алижоновна Мусабаева, Тимур Ибодуллаевич Ибрагимов Истеъмол бозорини ривожлантиришнинг дастурий механизмлари самарадорлигини ошириш йўллари	132
ИНВЕСТИЦИЯ	
Шахноза Сайдуллаевна Музрапова Инвестицион мулк ҳисобини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари	137
Обид Мамаюнович Пардаев Хизмат кўрсатиш соҳасига инвестицияларни жалб қилишнинг “ЗХ+ФКИ” моделидан фойдаланишнинг стратегик йўналишлари	142
Saida Azatovna Sheraliyeva Erkin iqtisodiy zonalarga xorijiy investitsiyalarni jalb etish	147

Xulosa va takliflar. Tahlillar shuni ko‘rsatadiki, yurtimiz viloyatlaridagi turizmning rivojlanganlik darajasi turlichadir. U ayrim viloyatlarda ya’ni Samarqand, Toshkent, Xorazm, Buxoro viloyatlarida nisbatan yaxshi rivojlangan. Shuning uchun ham joylashtirish vositalarining tarqalishi turlichadir. Sayyohlik agentliklari va tashkilotlari soniga qaraydigan bo‘lsak ham aynan shu holatning guvohi bo‘lamiz. Bizning maqsadimiz turizm sohasi sekin rivojlanayotgan viloyatlarning holatini yaxshilash, viloyatlardagi sayyohlar uchun qulayliklarni son va sifat jihatdan rivojlantirishdir. Albatta bunday viloyatlarda mehmonxonalar va sayyohlik agentliklari sonini ko‘paytirish uchun ularga bo‘lgan talabni rivojlantirishimiz kerak. Bu holatda so‘z turizm resurslariga borib taqaladi va biz quyidagi takliflarni beraolamiz:

- Joylardagi mavjud resurslarni sonlariga yanada aniqlik kiritish;
- Ularning nomlari keltirilgan ro‘yxatlarini tuzib chiqish;
- Maxsus ishchi guruh tashkillashtirilib, manzilgoh bo‘yicha aniq ma’lumotlar yig‘ish;
- Keng qo‘llaniladigan mashhur marshrutlarga ushbu manzilgohlar safarini ham kiritish.

O‘ylaymizki ushbu takliflar amaliyotga joriy etilsa ko‘zlangan maqsadga olib boruvchi yo‘llardan biri bo‘lib xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Mamatqulov X.M. “Turizm infratuzilmasi”. Ma’ruzalar kursi. Samarqand. - 2009
2. Tuxliyev I.S., Qudratov G.,H., Pardayev M.K. “Turizmni rejalashtirish”, T.: 2010.
3. Tuxliyev I.S. va boshqalar. “O‘zbekistonda turizm xizmat bozorini rivojlantirishning ijtimoiy – iqtisodiy muammolari” monografiya. T.: “Iqtisodiyot”, 2012.
4. Тухлиев Н., Таксанов А. Экономика большого туризма. – Т.: “Ўзбекистан Миллий Энциклопедияси”, 2001.
5. М.Е.По‘latov, R.S. Amriddinova, D.Z. Norqulova, A.Yu. Talibova “Mehmonxonalarda kasbiy etika” Samarqand, 2022.
6. X.M. Mamatqulov “Turizm infratuzilmasi” o‘quv qo‘llanma, Toshkent, 2011.
7. I.S. Tuxliyev, S.A. Abduhamidov “Turizm nazariya va amaliyot”, darslik. 2021.

М.Умарова	M.Umarova
Пути и особенности эффективного использования туристических ресурсов в Узбекистане	Ways and characteristics of effective use of tourism resources in Uzbekistan
Аннотация: в данной статье описаны пути и особенности максимального использования имеющихся ресурсов в развитии туризма и повышения его эффективности.	Abstract: this article describes the ways and features of the maximum use of available resources in the development of tourism and increasing its efficiency.
Ключевые слова: туризм, система классификации, маршрут, гостиница, туристская инфраструктура, туристский ресурс, турфирма, пандемия.	Keywords: tourism, classification system, route, hotel, tourist infrastructure, tourist resource, travel agency, pandemic.

Юлдуз Пирназаровна Урунбаева – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти и.ф.ф.док., доцент

МУЗЕЙ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ

Аннотация: аҳоли фаровонлиги қатор муҳим омиллар уйғунлигида тавсифланувчи хизмат кўрсатиш соҳасининг кўлами, унинг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлардаги улуши, аҳоли жон бошига хизматларнинг ҳажми орқали аниқланади. Мақолада музей туризми соҳасини ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини оширишга доир масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: музей, туризм, маданият, маърифат, қадрият аҳоли фаровонлиги, турмуш сифати, талаб, истеъмол, аҳоли жамғармаси, иш ҳақи, аҳоли даромадлари, бўш вақт.

Кириш. Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида халқаро майдонда аҳоли фаровонлигини ошириш, фан, таълим, маданият ва халқаро иқтисодий-ижтимоий

алоқаларни яхшилаш масалалари билан уйғунлашган ҳолда музей туризм соҳаси ҳам актуал мавзуга айланиб бормоқда. Дунёнинг кўплаб етакчи мамлакатларида музей туризм хизматлари соҳаси иқтисодийнинг барча соҳа ва тармоқларига таъсир кўрсатувчи ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини белгилаб берувчи омил сифатида шаклланди. Мамлакатда ижтимоий-иқтисодий соҳада олиб борилаётган ислохотлар ва кучли сиёсат пировардида вужудга келаётган янги иқтисодий муносабатлар музей туризм соҳасини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратди. Ушбу соҳа айни дамда мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга соҳага айланиб бормоқда.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Аҳоли фаровонлигини ошириш ҳар қандай иқтисодий тизимнинг барча муаммолари марказида туради ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт соҳасида барча уринишлар пировард натижада шу бош муаммони ечишга қаратилган. Шу сабабли ижтимоий фаровонлик ва турмуш даражасига оид масалалар қадим замонлардан бери кўплаб иқтисодчиларнинг эътиборини ўзига жалб қилган. Ижтимоий фаровонлик ва аҳоли турмуш даражаси назариясини шакллантиришда П.Бернекер томонидан туризмни “саёҳатчининг нотижорий, ҳамда ўз касбига боғлиқ бўлмаган мақсадларда, вақтинчалик ва ихтиёрий тарзда яшаш жойларини алмаштириши билан боғлиқ ўзаро алоқалар ва хизматлар мажмуи”¹ сифатида изоҳлайди.

Назарий изланишларимиз натижасида аҳоли фаровонлигини оширишга оид муаммоларни ечишда инсоният тараққиёти ҳозирги босқичнинг учта муҳим хусусиятларини ўз ичига олади. Яъни Янги Ўзбекистон интеграциясининг тобора кучайиши, жаҳон миқёсида товарлар, хизматлар ҳамда меҳнат бозорларининг ташкил топиши ҳар бир мамлакат аҳолиси фаровонлигини шакллантиришда катта таъсир кўрсатмоқда.

Экологик муаммоларнинг кескинлашуви оқибатида чекланган ресурслардан фойдаланиш муаммоларини ҳал этишда миллий ва халқаро экологик хавфсизликни таъминлаш.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти моделининг шаклланиб бораётганлиги, тақсимотда ижтимоий адолат “Инсон қадри учун”² тамойилларининг кучайиб бораётганлиги.

Юқоридаги фикрларнинг таҳлили бизга шундай хулоса чиқариш имконини бердики, аҳоли кенг қатламлари турмуш фаровонлигининг юксалиши унинг меҳнат ва ижтимоий фаолиятини кучайтиради, ишлаб чиқаришда инсон омилининг роли ва аҳамияти тобора кучайиб боради, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш жараёнларига қатнашиш фаоллигини оширади. Аммо, иқтисодиёт соҳасидаги манбаларда музей туризми хизматлар соҳасининг аҳоли турмуш фаровонлигини ва сифатини шакллантиришдаги роли ва унга таъсири масалалари кенг ёритилмаган. Шу сабабли музей туризмнинг аҳоли фаровонлиги даражаси ва сифатини шакллантиришдаги ролини асослашга уриндик.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда қиёсий, мантиқий таҳлил, тизимли таҳлил, илмий абстракциялаш, кузатиш, умумлаштириш, статистик гуруҳлаш, корреляция-регрессия, башоратлаш ва бошқа услуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Музейлар бу аждодларимиздан бизга мерос бўлган бойликни келажак авлодга етказиб берадиган илмий, маънавий-маърифий хазина бўлиб, у йиллар давомида бойиб боради. Ҳар бир оилада музейнинг бир элементи мавжуд. Ота-она, бобо-момоларимиздан бизга мерос буюм, фотосурат ёки ҳужжат бўладими биз авайлаб-асраймиз ва ўз фарзандларимизга улар тўғрисида фахр билан сўзлаб берамиз. Мерос бўлган ашёлар, инсоният ижоди маҳсули сифатида яратилган санъат асарлари сараланиб,

¹ Квартальнов В.А. Стратегический менеджмент в туризме: Современный опыт управления. - М.: Финансы и статистика, 1999. Xizmat – bu iqtisodiy birlikka tegishli bo‘lgan shaxs yoki mahsulot holatining o‘zgarishi, bu birinchisining oldidan roziligi bilan boshqa iqtisodiy birlik faoliyati natijasida yuzaga keladi- R.Merdik. Xizmat va servisning moddiy tovardan farqli hususiyatlari. <https://azkurs.org/xizmat-va-servisning-moddiy-tovardan-farqli-hususiyatlari-mund.html> Xizmatlar – insonga foydali natija va qoniqish beradigan xatti-harakatlardir - Усмонов Феруз. Xizmat va servisning moddiy tovardan farqli hususiyatlari. <https://azkurs.org/xizmat-va-servisning-moddiy-tovardan-farqli-hususiyatlari-mund.html>

² Шавкат Мирзиёев Миромонович. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Тошкент “O‘zbekiston” нашрети, 2023. -

музейлардан жой олади ҳамда умуминсоний бойликка айланади. Аждодлардан мерос бўлган анъаналар ва урф-одатларни, фарзандлар ва набираларга айтиб бериш, мерос қолдириш орқали инсоният тадрижий ривожланиб бораверади.

Республикамизда ўз йўналишига кўра турли хил музейлар мавжуд. Улардан баъзиларига эътибор қаратмоқчимиз. Ўзбекистон Давлат табиат музейи 1876 йил 12 июлда ташкил этилган бўлиб, ўз йўналишига кўра Марказий Осиёда ягона. Унинг илмий фондида табиатшуносликка оид музей ашёлари мавжуд бўлиб, мазкур соҳа бўйича Республикада бош музей ҳисобланади. Бир ярим асрлик музей тарихи давомида музейнинг илмий фонди янада бойитиб борилган ва шу мақсадда, музей илмий ходимлари томонидан Республика ҳудудлари жумладан, 1912 йил Қизилқум, 1937 йил Ҳисор тоғ тизмаси, 1936-1937 йилларда Олой тоғ тизмаси (Борсинсой дараси, Борсин музлиги)га илмий экспедиция ташкил этилган.

Юқорида келтирган маълумотларимиздан шундай хулоса қилишимиз мумкин, инсоният умр кўриши давомида яратиладиган ҳар қандай кадрият бу мерос ҳисобланади. Инсон фақат тарбия орқалигина комилликка эришади. Унинг маънавий даражаси атрофида юз бераётган воқеа-ҳодисаларни қандай қабул қилиши ва мустақил баҳолай олишига ҳам боғлиқ. Шундай экан, аҳолининг маънавий дунёқарашини мустаҳкамлашда миллий кадриятларга оид бой маънавий (музей) меросимиздан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда музей туризми соҳаларини тубдан ислоҳ қилишга, уларнинг фаолиятини такомиллаштиришга, барқарорлаштирувчи ролини оширишга, инновацион иқтисодий шакллантириш ва рақобатбардошликни таъминлаш омили сифатида фойдаланишга ҳуқуқий асослар яратилди. Илғор фан-техника ютуқлари музей туризми соҳаларига жорий этилди, соҳада хизмат кўрсатувчи ходимларни касбий ва қайта тайёрлашни кенгайтириш яхшиланди. Аммо, мустақиллик йилларида музей туризми соҳасини ривожлантириш борасида қўлга киритилган улкан ютуқларга қарамадан, ушбу соҳанинг ривожланиши, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифати бўйича биз ривожланган мамлакатлардан ҳамон жиддий орқада қолмоқдамиз.

Шу сабабли музей туризми соҳасини янада ривожлантириш, унинг иқтисодийдаги улушини ошириш, миллий анъана ҳамда кадриятларимизни тиклаш, бой меросимизни чуқур ўрганиш, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини халқимиз ўртасида кенг тарғиб этишга катта эътибор қаратишимиз лозим. Сабаби иқтисодий тараққиёт, кишилик жамияти тарихида кечган муҳим иқтисодий жараёнларнинг ҳамда содир бўлган иқтисодий ҳодисаларнинг туб моҳиятини англаб етиш, баҳолаш, уларнинг сабаб ва оқибатларини тушуниб етиш, тегишли илмий хулосалар чиқариш, энг муҳими, уларга асосланган ҳолда, келажакда содир бўлиши мумкин бўлган, аниқроғи муқаррар бўлган, иқтисодий тараққиёт хусусида илмий асосланган хулосаларни олиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги “Маънавият ҳаётимизда янги куч, янги ҳаракатга айланиши керак” нутқида миллий анъаналаримизни асраб-авайлаш ва бойитиш мақсадида ўтган даврда 11 та янги музей, 2 та театр, 28 та болалаар мусиқа ва санъат мактаби, 5 та олийгоҳ, жумладан, янги авлод журналистларини тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ташкил этилганлигига алоҳида тухталиб ўтилди¹.

Музей туризмнинг аҳоли фаровонлигини оширишдаги роли.

- аҳолининг музей туризмига бўлган эҳтиёжларини ва талабларини қондириш;
- аҳолининг истеъмол харажатларини тежаш ва бўш вақтини кўпайтириш;
- аҳолининг бўш вақтидан самарали фойдаланиш учун шароит яратиш;
- аҳоли бандлигини ошириш ва даромадларни кўпайтириш.

Бизнинг назаримизда, музей туризмнинг аҳоли фаровонлиги ва сифатига таъсири

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқи. “МАЪНАВИЯТ ҲАЁТИМИЗДА ЯНГИ КУЧ, ЯНГИ ҲАРАКАТГА АЙЛАНИШИ КЕРАК” Халқ сўзи 2023 йил 23 декабрь, №274(8617) 2 бет.

юқорида келтирилган барча йўналишлар ўзаро чамбарчас боғлиқ ва аҳоли фаровонлигини кўрсаткичларига бевосита таъсир кўрсатади.

Кўйилган назарий муаммога аниқлик киритиш мақсадида ҳар бир йўналишнинг мазмуни ва таъсир қилиш механизмларининг моҳиятига батафсилроқ тўхталиб ўтиш муҳимдир. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ва инсон иқтисодий фаолиятининг бош мақсади – аҳолининг узлуксиз тарзда ошиб бораётган эҳтиёжларини қондиришдан иборат. Аҳоли эҳтиёжларини қондириш зарурати музей туризми соҳасига ҳам тўла дахлдор. Музей туризмига бўлган эҳтиёжлар – аҳоли умумий эҳтиёжларининг ажралмас таркибий қисми ва уларни имконият борида тўлароқ қондириш ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосий функцияси ҳисобланади.

Энг муҳими музей туризмига бўлган эҳтиёж моддий хизматларга бўлган эҳтиёжлардан ўз моҳияти ва инсоннинг инсон сифатидаги тараққиётидаги аҳамияти жиҳатидан кескин фарқланиб туради. Музей туризми малакали кадрлар билан таъминлаш асосида хизматлар сифатини ошириш, ушбу соҳани диверсификациялаш асосида хизматлар ассортиментини кенгайтириш, янги хизмат турларини ишлаб чиқариш, хизматлар ҳажмини жадал суръатлар билан кўпайтириш аҳоли эҳтиёжларини тўлароқ қондиришнинг муҳим шarti ҳисобланади.

Америкалик олим А.Маслоу пирамидасида физиологик (моддий) эҳтиёжларга муҳимлиги нуқтаи назардан биринчи ўрин берилган¹. Шубҳасиз, бундай эҳтиёжлар ижтимоий тизим шакли ва ишлаб чиқариш кучлари тараққиёти даражасидан қатъи назар, ҳар қандай жамият учун хос ва биринчи даражада қондирилиши лозим. Инсонлар, онгли ҳаракатланувчи тирик мавжудот сифатида, авваламбор бирламчи эҳтиёжларини яъни, озиқ-овқат истеъмол қилишлари, кийинишлари, бошпанага эга бўлишлари шарт. Шундан кейингина улар таълим, маданият, санъат, саёҳат ва ҳоказолар билан шуғулланишлари мумкин бўлади. Ушбу пирамидада турли хил ижтимоий хизматларга бўлган эҳтиёжлар ҳам муҳим ўринни эгаллаган. Лекин масаланинг муҳим жиҳати шундаки, ишлаб чиқариш кучлари ривожланиб, аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлиги ошиб борган сайин, унинг хизматларга бўлган эҳтиёжи моддий неъматларга бўлган эҳтиёжига нисбатан тезроқ суръатлар билан ривожланади. Хизматларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири хизмат кўрсатиш соҳасида банд аҳолининг даромадлари шаклланиши меҳнатнинг мазмуни ва характери билан боғлиқ. Хизматларга бўлган эҳтиёжларнинг тобора ошиб бориши ва такомиллашуви аҳоли бандлигидаги таркибий ўзгаришларда, аниқроғи, унинг бандлигида хизматлар улушининг доимий тарзда ошиб боришида ўз ифодасини топади

Аҳолига истеъмол учун таклиф этилаётган хизматлар ҳажмини жадал суръатлар билан ошириш, уларнинг сифатини ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдорини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, Ўзбекистонда устувор вазифалар сифатида қаралаётган баркамол авлодни тарбиялаш, аҳоли турмуш фаровонлигини такомиллаштириш, халқимизга фаровон яшаши учун муносиб шарт-шароитлар яратишдек² долзарб вазифаларни бажаришда муҳим роль ўйнайди. Ҳар томонлама етук, маданиятли, маърифатли баркамол авлодни тарбиялаш ғояси аҳолининг моддий ва маънавий ноз-неъматларга ва хизматларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш билан бир қаторда, унинг бўш вақтини³ кўпайтиришни ва ундан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Дарҳақиқат аҳолининг бўш вақтини кўпайтириш, улар томонидан амалга ошириладиган аммо, самара келтирмайдиган вақт сарфларини ўзлимиз, кадриятларимизни намоён этувчи музей туризми билан қамраб олиниши аҳамиятлидир.

Хулоса ва таклифлар. Музей туризми мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида аҳоли фаро-

¹ <http://www.ctntrforum.ru/Macro/Stat 2 5.htm>

² Урунбаева Ю. П. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш истиқболлари. Монография. Тошкент.: «ФАН», 2013.- 156 б.

³ <https://www.philstat.org.ph/index.php/MSEA/issue/view/18>

вонлигини оширишдаги аҳамияти назарий жиҳатдан атрофлича ўрганилиб, куйидаги ҳулосаларга келинди ва бир қатор тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди:

Жамият тараққиёти ҳозирги босқичининг ўзига хос хусусиятларидан бири – музей туризми нафақат мамлакат иқтисодий юксалиши, балки ундаги ижтимоий жараёнларни ҳам такомиллаштиришдаги роли узлуксиз тарзда ошиб бораётганлигидадир. Шу жиҳатдан ушбу соҳа билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ қилиш, уларнинг бозор талабларига жавоб берадиган мажмуавий ечимларини топиш ва амалиётга самарали жорий этиш бугунги куннинг, айниқса, истиқболдаги аҳоли фаровонлигини оширишнинг стратегик аҳамиятга эга ўта долзарб масалалардан бири сифатида қаралмоғи лозимлиги назарий жиҳатдан асосланди.

Музей туризмида амалга ошаётган ижобий ўзгаришлар авваламбор аҳоли фаровонлигини оширишга, унинг маънавий даражаси атрофида юз бераётган воқеа-ҳодисаларни қандай қабул қилиши ва мустақил баҳолай олишига, қолаверса, аҳолининг маънавий дунёқарашини мустаҳкамлашда миллий кадриятларга оид бой маънавий меросимиздан фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга.

Музей туризми ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий аҳамиятга эга бўлган соҳа сифатида қаралиб, уларни аҳолининг фаровонлигини оширишда ва сифатини яхшилашда (аҳоли даромадлари ва бандлигини ошириш, унинг бўш вақтини кўпайтириш ҳамда ундан самарали фойдаланиш ва бошқалар) муҳим омил эканлиги назарий жиҳатдан ёритилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқи. “МАЪНАВИЯТ ҲАЁТИМИЗДА ЯНГИ КУЧ, ЯНГИ ҲАРАКАТГА АЙЛАНИШИ КЕРАК”Халк сўзи 2023 йил 23 декабрь, №274(8617) 2 бет.
2. Мухаммедов М.М., Ю.П.Урунбаева Аҳоли турмуш даражасини шакллантириш омиллари ва ошириш истиқболлари. Рисола. «Зарафшан», 2010.-131 б.
3. Пардаев М.Қ. Урунбаева Ю.П ва бошқалар Covid-19 Пандемиянинг хизмат кўрсатиш соҳасига таъсири ва уни бартараф қилиш йўллари. Могография. – Т.: “Фан ва технологиялар нашриёт- матбаа уйи”, 2022. 516 б.
4. Урунбаева Ю. П. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш истиқболлари. Монография.Тошкент.: «ФАН», 2013.- 156 б.
5. Урунбаева, Ю. (2016). Роль сферы услуг в социально-экономическом развитии страны. *Экономика и инновационные технологии*, (4), 38-46.
6. Урунбаева, Ю. П. (2016). Перспективы повышения уровня жизни населения на основе развития малого и частного бизнеса. *Научный альманах*, (11-1), 321-326.
7. Урунбаева, Ю. П. (2016). Уровня жизни населения это социально-экономическая природа. In *НАУКА СЕГОДНЯ: ФАКТЫ, ТЕНДЕНЦИИ, ПРОГНОЗЫ* (pp. 58-60).

<p style="text-align: center;">Ю.Урунбаева</p> <p style="text-align: center;">Развитие музейного туризма – главный фактор повышения благосостояния населения</p> <p>Аннотация: благосостояние населения определяется масштабами сферы услуг, ее долей в важных макроэкономических показателях и объемом услуг на душу населения. В статье рассмотрены вопросы повышения благосостояния населения за счет развития музейного туризма.</p> <p>Ключевые слова: музей, туризм, культура, просвещение, ценность, благосостояние населения, качество жизни, спрос, потребление, сбережения населения, заработная плата, доходы населения, свободное время.</p>	<p style="text-align: center;">Yu.Urunbaeva</p> <p style="text-align: center;">Development of museum tourism is the main factor of improving the welfare of the population</p> <p>Abstract: population well-being is determined by the scale of the service sector, its share in important macroeconomic indicators, and the volume of services per capita. The article focuses on the issues of increasing the well-being of the population through the development of museum tourism.</p> <p>Keywords: museum, tourism, culture, enlightenment, value, population well-being, quality of life, demand, consumption, population savings, wages, population income, free time.</p>
--	--

ISSN 2091-5187

❧ “СЕРВИС” ❧

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

22.05.2024 йилда теришга берилди. 7.06.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0076А/24.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.